O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
290901

# МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 1 сентябр шанба

Сотувда эркин нархда

№ 181 (2743)

# ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ МАНГУ ПОРЛАГАЙ



Мана, мамлакат мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлайдиган саодатли кунга ҳам етиб келдик. Бу улуғ айёмда шууримиз улкан қувончга тўлган, кўксимиз — тоғ. Шу билан бирга, бугунги қутлуғ кун ҳар биримизга ўн йил аввалги, нафақат ўн йил, балки юз йиллар нарисидаги воқеаларни эслаб, хулоса чиқариш, истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказиш, амалга оширган ишларимиз сарҳисобини қилиш масъулиятини юклайди. Ўн йил бобо тарих учун бир лаҳза, холос. Лекин у халқимиз учун мингйилликларга тенг, балки улардан-да қадрлироқдир.

Ўтган ўн йил ичида иқтисодиётни мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни қарор топтириш, озод Ватанимизга кўз олайтирган кучларга муносиб жавоб бериш, энг муҳими, фуқаролар онгида катта ўзгариш ясаш, янгича тафаккурни шакллантириш, айниқса, ёш авлодни аждодлар мероси, миллий қадриятлар ва замон руҳига мос тарбиялаб вояга етказиш йўлида кўп ишлар қилинди. Асрлар мобайнида ҳурриятни орзу қилиб келган халқимиз бугун ўз иродасини, салоҳиятини тўла-тўкис намоён этмоқда. Бамисоли, чашманинг кўзига бостирилган тош олиб ташланиб, она-замин қаърида бўғилиб ётган қудрат яна қайнаб-тоша бошлади.

Ўн йилда эришган ютуқларимизни санаб адоғига етиш қийин. Буюк аждодларимиз руҳига эҳтиромнинг Ватанга қайтишини, Ватан фарзандларининг дилидан мустаҳкам жой олганини сўзлайликми! Фарзандлари қора меҳнатдан бошқасига ярамайди, деб камситилган юртда замонавий автомобилсозлик саноатининг пайдо бўлганини айтайликми! Четга хомашё сифатида ташиб кетилаётган пахтамизни энг замонавий технологиялар асосида ўз юртимизда ўзимиз тўла қайта ишлай бошлаганимизни таъкидлаймизми! Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этиб келган Ўзбекистон оғир ва енгил саноат, самолётсозлик, автомобилсозлик ва машинасозлик, кончилик, нефть-газ, қайта ишлаш соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритди. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ ғалла ва нефть мустақиллигига, энергетика таъминоти борасида барқарорликка эришилиб, юксалиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Шу аснода қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотлар ўтказилиб, одамларда ерга, мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарди.

Бугун иқтисодиётимизда ўн йил аввал тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган янги соҳалар пайдо бўлди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ислоҳотларимиз самарасини бугун эслаб қўйсак ва бундан ғурурлансак арзийди. Неча йилдирки, Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимиз чет элларда ҳам овоза бўлмоқда, хорижликлар тилига "Ўзбек модели" деган ибора тушди.

Одатга кўра, Истиқлол байрами 31 август куни оқшом мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидан бошланади ва бутун мамлакат бўйлаб давом этади.

Бу йил ҳам Мустақиллик майдони халқимиз қалбида туғён ураётган шодлик ва беқиёс қувончнинг тимсолига айланган. Улкан майдон бу йил ҳам мингларча иштирокчи ва меҳмонларга тўла. Бинолар, улкан саҳна, амфитеатр жуда чиройли безатилган. Қирмизи шафақ томондан эсган ўйноқи шаббодада байроқлар ҳилпирайди, шиорлар кўзни қамаштиради, гулдаста кўтарган қизалоқлар, қўлида шар тутган, икки лунжини тўлдириб ширинлик емоқда бўлган болажонлар, бири-биридан сулув, лобар қизлар, ўктам йигитлар, нуроний отахону онахонлар — мустақиллик ижодкори бўлган ватандошларимиз майдонни тўлдирган.

Ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчиханолари, халқаро ташкилотлар, турли фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг вакиллари, энг улуғ ва энг азиз байрамимизга ташриф буюрган бошқа хорижлик меҳмонлар, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар амфитеатр саҳнидан жой олди. Байрам бошланаётганидан огоҳ қилувчи чорлов садолари ҳавони титратганда, кўнгил ҳаяжондан ҳаприқади.

Минбарга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таклиф этилади.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини муборакбод этди.

Майдон узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Мадҳияга барча иштирокчилар, меҳмонлар, ота-онасининг қўлидан тутиб келган болажонларимиз жўр бўлади. Неча минг юракдан отилиб чиқаётган садолар бутун дунёга таралаётгандек. Асли, шундайлиги рост ҳам. Миллий байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат бевосита телевизор орқали томоша қилиш имконига эга бўлди. Шунингдек, "Интернет" тармоғи орқали у дунёнинг телетўлқин етиб бормаган олис бурчакларига ҳам кириб боради.

Энг улуғ ва азиз байрамимиз нафақат пойтахтнинг марказий майдони, балки мамлакатдаги барча шаҳару қишлоқларда, ҳар бир хонадонда кўтаринки руҳда нишонланаётгани Ўзбекистон тараққиётининг асосий устувор йўналишларини белгилаб олишда тўғри йўл тутилгани, ҳар қандай ёш мустақил давлат олдида учраши мумкин бўлган табиий ва ғайритабиий тўсиқларга қарамасдан, қўйилган вазифалар адо этиб келинаётганининг яққол тасдиғидир. Саховатли кишиларнинг букилмас иродаси, фидойи юртдошларимизнинг

(Давоми 2-бетда).

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Бугун юртимизда яшаётган барча инсонлар, бутун ўзбек халқи учун ҳаяжонли ва қувончли кун.

Мана шу қутлуғ айёмда сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллик санаси билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Озод ва эркин яшаш учун машаққатли ва аёвсиз кураш олиб борган, қанча-қанча тўфон ва синовларни, зулм ва қатағонларни бошидан кечирган, не-не қурбонлар берган ўзбек халқи учун бу муқаддас айём — йиллар ўтар, асрлар ўтар — абадий сақланиб, энг буюк, энг азиз сана бўлиб қолажак.

Бугун биз мустабид тузум ва қарамлик исканжасидан халос бўлиб, ўз қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, иймон-эътиқодимизга суяниб, ягона халқ ва миллат бўлиб, XXI асрга дадил қадам қўймоқдамиз.

Тарихан жуда қисқа бўлган ўн йиллик даврда ҳаётимизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш, юртимизни обод қилиш ва халқаро майдонда обрў қозониш йўлида амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз ҳақида бугун ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз, десам, бу ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бунинг тасдиғи — қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун юртимизнинг обод қиёфаси, барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, барча миллатларнинг мана шу мўътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшаётганидир.

Бунинг тасдиғи — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга қучайиб бораётган ишончидир.

Бир сўз билан айтганда, озод Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. У янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ислоҳотлари билан, яратувчанлик меҳнати билан, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини, айтиш мумкинки, ҳавасини ўзига тортмоқда.

Кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ҳаётнинг барча оғирликларига бардош бериб, йўлидан адашмаган халқимизни ўз олдига буюк вазифа қилиб қўйган озод ва эркин, фаровон ҳаётга эришиш мақсадидан энди ҳеч ким ва ҳеч қачон қайтара олмайди.

Бизнинг истиқлол йўлида қўяётган шаҳдам қадамларимиз дўст-биродарларимизни қувонтириб, бизни қўролмайдиган, эришган ютуқларимизга ҳасад билан қарайдиган, танлаган йўлимиздан қайтаришга уринаётган ғанимларимиз учун — улар буни хоҳлайдими, йўқми, бундан қатъи назар — аччиқ ҳақиқат бўлиши даркор.

Азиз юртдошларим!

Бугун барчамиз шуни яхши англаб олмоқдамизки, олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларимизга эришиш — буни бошқалар тажрибасидаги кўпкўп ҳаётий мисоллар асосида кўриш мумкин — ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон кечмайди.

Шунинг учун биз бугун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий соҳаларда олиб бораётган ислоҳотларимизни доимий ҳаракатга айлантиришимиз ва янада чуқурлаштиришимиз, ҳаётимизнинг негизини ташкил этувчи муҳим принципларга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — онгу тафаккуримизни замоннинг ўзи талаб қилаётган демократик тараққиёт тамойиллари ва қадриятлари билан бойитиб, уни янги босқичга кўтаришдир.

Лўнда қилиб айтганда, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қадрлаш ва ҳимоялаш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини диққат-эътиборимиз марказида тутиш, инсоннинг меҳнат қилиб муносиб даромад олиши, мулкка эга бўлиши, ижтимоий таъминот, жамиятдаги эътиқод ва сўз эркинлигига кафолат бериш каби масалаларни биз учун энг устувор вазифа деб билишимиз даркор.

Энг муҳими, бундай имконият ва кафолатларни сўзда эмас, амалий ҳаётимизда татбиқ қилиш ҳозирги кунимизнинг энг мураккаб масаласига айланиб қолганини унутмаслигимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

## АСАКА ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИГА

*Азиз дўстлар!*

*Сизларни катта меҳнат ғалабангиз — мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.*

*Ҳар йили қишлоқ хўжалиги соҳасида шундай зафарларни қўлга киритиш сиз, аҳдига содиқ асакалик деҳқонлар учун анъанага айланиб қолгани таҳсинга сазовор.*

*Айниқса, пахтачилигимиз тарихида мисли кўрилмаган воқеа — белгиланган режанинг август ойида бажарилишини лафзи ҳалол, заҳматкаш деҳқонларнинг, туман аҳлининг фидокорона меҳнати самараси, андижонликларга хос ғайраттижоатнинг амалда намоён бўлиши, деб биламан.*

*Ҳар биримиз учун азиз бўлган Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллик шодиёнаси кунларида сизларнинг давлатга 17 минг 300 тонна пахта етказиб берганингиз ўзига хос байрам совғаси сифатида барчамизни мамнун этади.*

*Бу ғалаба ерга меҳр қўйган андижонлик миришкор деҳқонларнинг қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни изчил амалга ошираётгани, илғор технология ва илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланаётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси кучайиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.*

*Сизларнинг қўшимча равишда яна 6 минг тонна пахта тайёрлаб, умумий ҳосилдорликни гектаридан 40 центнерга етказишга азму қарор қилганингиз изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилатларингиздан далолат беради.*

*Қадрдонларим, сизларни истиқлол байрами билан, қўлга киритган улкан зафарингиз билан яна бир бор қутлайман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга ривож тилайман.*

*Меҳнатингиздан, умрингиздан барака топинг, азиз дўстлар!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

(Асакалик пахтакорлар эришган меҳнат зафари ҳақидаги мақолани газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

1 сентябр куни нишонланадиган Мустақиллигингизнинг ўн йиллиги муносабати билан Америка халқи номидан Ўзбекистон халқини муборакбод этаман ва эзгу тилаклар йўллайман. Гарчи Ўзбекистон яқиндагина мустақил давлат бўлишга эришган эсада, у қадимий тарих ва буюк маданиятга эгадир. Қўшма Штатлар Ўзбекистон жаҳон майдонида мустақил давлат сифатида ўзини тобора тўлароқ намоён этаётгани сари у билан ҳамкорлик қилишни мамнуният билан давом эттирмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик йўлларини излаш жараёнининг муҳим қатнашчиси бўлиб қолди.

Мамлакатларимиз муҳим минтақавий ва дунёвий муаммоларни ҳал этиш мақсадида биргаликда ва самарали ҳамкорлик қилмоқда. Мен мазкур соҳаларда ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланиб боришини сабрсизлик билан кутаман. Қўшма Штатлар чинакам демократик жамият барпо этишда Ўзбекистонга ёрдам кўрсатишни давом эттиради. Сизларнинг ушбу мақсадга эришиш йўлидаги муваффақиятларингиз Ўзбекистон ва унинг халқи учун келгуси йилларда тинчлик ва равнақни таъминлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мен халқингизга унинг истиқболи бехатар ва самарали бўлишини тилайман. Кейинги ўн йилликлар давомида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб бораверсин.

Самимий эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги 1998 йил 29 августдаги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 176-модда; 1999 йил, № 1, 27-модда; № 9, 239-модда) қисман ўзгартиш киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси этиб тасдиқлансин:

**Адилов Комилжон Мяхаматкулович** — Сирдарё вилояти Ширин шаҳар прокурори

**Аҳадов Абдурафиқ** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси

**Бобожонов Отагалди** — Жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир туман суди раиси

**Буриев Ҳасан Чутбоевич** — Тошкент давлат аграр университети ректори

**Дусбаев Аҳматилла** — Сурхондарё вилоят биринчи шифохонаси бош врачи

**Жўраев Усмон Султонович** — Бухоро вилоят суд фаолиятини ташкилий таъминоти департаменти бошлиғи

**Касимов Садиқжан Сабирович** — Тошкент электротехника алоқа институти ректори

**Матчанова Салима Авлиякуловна** — Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро суд раиси

**Садиков Жанабай** — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва парламентлараро алоқалар масалалари қўмитаси раиси

**Соатов Ойбек Асомович** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Тошев Бобоқул Норқобилович** — Ўзбекистон Республикаси «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари

**Туйчибоев Олимжон Солиевич** — Андижон иқтисод коллежи директорининг ўринбосари

**Хўжаев Маҳамаджон Сулаймонович** — Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

**Ширинов Темур Ширинович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти директори

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари А. Абдумажитов, Ҳ. Бобоев, А.Дўсчанов, Ҳ. Караматов, Н. Комилов, Й. Назаров, С. Саидкаримов, С. Саматов, А. Саъдуллаев, А. Усмонов, И. Файзуллаев, Л. Юрикова, О. Ҳамроевларнинг ваколатлари берган аризаларига биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**З. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 30 август.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

30 август куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб, унда ташкилий масалалар кўрилди.

Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов Марказий сайлов комиссияси раиси, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси С. Хўжаева комиссия раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси О. Соатов комиссия котиби этиб сайланди.

## ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ТИКЛАНИШИ

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан илк бор "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида мустабид тузум даврида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган ватандошларимизни ёд этдик. Мазкур сананинг айнан Мустақиллик байрами арафасида нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор.

Мустабид тузум даврида халқимизнинг энг кўзга кўринган вакиллари — давлат, маданият ва санъат арбоблари, зиёлилар билан бир қаторда, кўплаб оддий одамлар ҳам "халқ душмани"га чиқарилиб, қатағон қилинган. Уларнинг ортида қолган оила аъзолари, қариндошлари, ёру биродарлари эса ҳўрлик ва ситамларга гирифтор этилган. Неча минглаб ватандошларимиз ҳурлик, озодлик йўлида шаҳид кетган. Чоризм қамоқхоналарида, Сибир сургунлари ва Сталин авахталарида кўплаб юртдошларимиз ном-нишонсиз йўқ қилиб ташланган. Зўравонлар уларнинг шарафли номларига қўшиб қабрларини, ҳатто қариндош-уруғларини ҳам йўқ қилган. Бундай бахтсизликка учраган миллатдошларимизни, ҳаёти давомида рўшнолик кўрмагани оғир бир ситам, ўн йиллар давомида руҳи чирқиллагани яна бир азоб бўлган ватандошларимизни бугун биз — Истиқлолдек улуғ неъматдан баҳра олаётган авлодлар алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан ёд этишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Тошкентнинг Юнусобод туманида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи уларга эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди. Истиқлолнинг ўн йиллиги тантанали равишда нишонланадиган 31 август тонгида бу ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган юзлаб ватандошларимиз йиғилди. Тиниқ ҳавода қушларнинг чуғури олисолисларга таралади. Хиёбонда ўзбекона тароват. Ҳаммаёқ ораста. Ҳаво шу қадар тозаки, симириб тўймайсан киши.

Хиёбонга келаётган одамларни бугун буюк бир дард — ноҳақ қурбон бўлганлар хотирасига эҳтиром бирлаштириб турибди. Кимнинг отаси, кимнинг бобоси машъум қатағон қурбони бўлган. Ҳатто қўйилган ери ҳам сирлигича қолган шаҳидлар улуғ байрам арафасида чуқур эҳтиром билан ёдга олинмоқда. Шу маънода Президентимизнинг жорий йил 1 майида эълон қилинган "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони ниҳоятда катта савоб иш бўлди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, элюртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар, ноҳақ жабр-зулм кўрган минглаб ватандошларимиз хотираси авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

(Давоми 2-бетда).



# ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ МАНГУ ПОРЛАГАЙ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун бизнинг йўлимиз — ривожланган демократик жаҳон босиб ўтаётган йўл экан, жамиятимизнинг барча-барча жабҳа ва қатламларида, Амир Темур бобомиз ибораси билан айтганда, адолат деган буюк кучнинг ҳукм суриши, одамларимизнинг эркинлиги ва ташаббусининг очилиши, ҳаётимизда намоён бўлиши учун зарур имкониятларни нечоғли тўғдириб беришимизга боғлиқ эканини тушуниб, англаб олишимиз керак.

Эзгу мақсад ва ниятларимизга эришишнинг энг муҳим шарти — бу юртимиздаги тинчлик, осойишталикни сақлаш, бугун авжига чиқаётган террорчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, ақидапарастлик каби хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, бир сўз билан айтганда, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли, деб биламан.

Азиз ва мўътабар юртдошларим!

Биз кундалик ташвишлар, турли юмушлар билан овора бўлиб, ҳаётнинг қанчалик тез ўтиб кетаётганини баъзан сезмай ҳам қоламиз.

Мустақиллик йили туғилган болаларнинг бугун ўн ёшга, ўша пайтда мактабга борган фарзандларимиз эса ўн етти ёшга тўлиб, умрининг навқирон бир фаслига қадам қўйганини кўриб, одам таъсирланади, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг ҳаётга янги орзу ва катта умид, ишонч билан кириб келаётганидан қалби завқу шавққа тўлади.

Шубҳа йўқки, орадан йиллар ўтади, халқимиз ҳаётида ҳали бундан ҳам катта ўзгаришлар рўй беради. Эл-юртимиз янги-янги улкан ютуқларни қўлга киритади, иншоолоҳ.

Биздан кейин келадиган кўп-кўп авлодлар, албатта, мустақилликка эришганимизни ҳаёт мезонлари билан ўлчаб, унга ўз баҳосини беради.

Лекин бугун виждонимиз олдида ҳисоб бериб айтадиган бўлсак, бунга ким қайси кўз билан қарамасин, Ўзбекистон мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган буюк тарихий воқеа бўлиб қолиши муқаррар.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди ва инкор этишга ҳаққи ҳам йўқ.

Муҳтарам ватандошларим!

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягонадир. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Мен бугунги улуғ сана, буюк байрам тантанасида мана шундай мислсиз ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, барча қийинчилик ва машаққатларга сабр-тоқат билан бардош берган, белни маҳкам боғлаб, бир ёқадан бош чиқариб фидокорона меҳнат қилган олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри ва муҳаббати билан таъзим қиламан.

Аввало, дуогўй отахонларимизга, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик таянчи сифатида эътироф этади.

Давлатчиликни шакллантириш, иқтисодий мустақиллик асосини мустаҳкамлаш билан бирга, сиёсий, ҳарбий салоҳиятимизни оширмоқдамиз. Ҳокимият органлари тубдан ислоҳ этилди. Давлатчилигимизнинг ютуғи шундаки, унда миллий ва замонавий анъаналар уйғунлашиб, ўзимизгагина хос алоҳида бир тизим яратилди.

Қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик, энг муҳими, илгари бўлгани каби мавҳум мамлакатга эмас, ўз қўлимиз билан гуллатаётган Ватанга муҳаббат қарор топди. Бунинг сабаблари кўп. Сабаб — иқтисодиёт барқарор ривожланиб бораётгани, фуқароларда эртанги кунга умид-ишончнинг бардавомлиги, юртдаги тинчлик, осойишталик. Сабаб — ижтимоий тотувлик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик. Сабаб — ғаразгўйларнинг нияти тошга теккан ойнадек чил-чил бўлаётганини ҳамма кўриб тургани. Сабаб — халқнинг ўз доно Йўлбошчисига, Йўлбошчининг эса ўз фидойи халқига садоқати. Сабаб — Истиқлол миллат орзуси эди ва у ижобат бўлгач, ҳоз Ватанни гуллатиб-яшнатиш ҳар биримизнинг ҳам муқаддас орзумизга, ҳам олий бурчимизга айлангани!

Бугун Мустақил Ўзбекистон фуқаросиман, деган ҳар бир кишининг қалбида қувончу эҳтиросга тўла туйғулар жўш урмоқда. Ўн йил ичида кўп ютуқларни қўлга киритдик. Ҳуррият йўлида аждодларимизнинг дарё-дарё қони тўкилганини биламиз. Ватаннинг забардаст, фидойи ўғлонларининг шонли кураши биз, авлодларга Мустақиллик деган мева берди. Эндиги вазифамиз Истиқлолимизни ёмон кўзлардан асраб-авайлаш, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, авлодларга озод ва обод мамлакат қолдиришдан иборатдир. Ана шу мақсадларимизга тўсқинлик қилувчилар бўлди. Лекин биз Йўлбошчимиз раҳбарлигида бунёдкорлик йўлини танладик. Фарзандлар, ёш авлод тарбиясига эътиборни кучайтирдик. Айни пайтда ҳар бир фуқаро ўзини ҳам Ватаннинг бунёдкори, ҳам Ватаннинг қўриқчиси, деб билади.

Ҳа, ўн йиллик давр — бобо тарих учун бир лаҳза. Лекин ана шу лаҳзани ҳар жабҳада гўзал қила олдик. Келгусида ҳам қилган ҳар бир ишимиз, ўтган ҳар бир кунимиз тарихга зарҳал ҳарфлар билан битиларишига аминмиз. Зеро, Мустақилликнинг ўтган ўн йиллигини нишонлаётганимиз танланган йўлнинг тўғрилиги, қийинчиликлар ўткинчи, озод Ватан келажаги буюк эканини яна бир бор тасдиқлайди. Дўстларимизнинг қувончи, ғанимларимизнинг қайғусига сабаб бўлган улкан ютуқлар — ўзимизники...

...Майдонда театрлаштирилган томоша бошланди. Томошабинлар кўз ўнгида 2700 йиллигини нишонлайдиганимиз "Авесто"ни яраттан олис аждодларимиз сиймоси пайдо бўлади. Сўнг ҳазрат Алишер Навоий, ислом оламининг устунларидан бўлган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Марғиноний каби улуғларимиз, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари алломаю мутафаккир боболаримиз сиймоси гавдаланади.

Қўлида қилич билан Ватанни ҳимоя этган Тўмарис она, халқимизга озодлик учун доим курашиш лузумотини эслатиб турадиган жасур Жалолиддин Мангуберди, миллат қудратини, шаъну шавкатини дунёга таратган буюк бобомиз Амир Темур сиймолари томошабинларни бобо тарих сабоқларидан яна бир бор огоҳ этади.

Бу йил 2500 йиллик тўйи нишонланадиган Термизни улуғловчи саҳна кўринишлари Сурхондарёнинг дилни қитиқловчи оҳанглари воситасида намойиш этилади. Улкан саҳнани тўлдириб рақс тушаётган йигит-қизлар ҳаракатидаги чақконлик ҳаммани сеҳрлайди.

Мамлакат қудрати унинг иқтисодий салоҳияти, маънавий-маданий бойликлари билан ўлчанади. Айни чоғда, Ватан озодлигининг қалқони бўлган ҳарбийларсиз юрт осойишталигини тасаввур этиб бўлмайди. Бир неча хил қўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар жанговар ноғоралар садоси остида шаҳдам қадам ташлаб, Ватанни улуғлайдиган қўшиқларни жўр бўлиб куйлаб майдонга кирди. Уларни тинглай туриб, абжир йигитларнинг турли ҳарбий машқларидан намуналар томоша қила туриб, ҳамманинг дилида ифтихор, Ватан сарҳадлари ишончли қўлларда эканига ишонч ҳисси ошгани, шубҳасиз.

Она Ватан келажаги бўлган болаларнинг чиқишлари ҳам томошабинларда тотли таассурот қолдирди. Истиқлол тенгдошлари бўлган ўғил-қизларимизнинг бурро тили, мустақил Ватанни тараннум этаётган жарангдор овози кишини беихтиёр истиқболда ҳаётимиз қандай бўлиши ҳақидаги хаёлларга чулғайди. Биз фарзандларимизга ўзимиздан озод Ватан қолдираяпмиз, фаровон турмуш учун шарт-шароит, муҳит яратиш йўлида меҳнат қилмоқдамиз. Улар эса Ватанимизнинг қудрати, шуҳрати янада юксакроқ бўлиши учун она юртга биздан-да муносиброқ бўлади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар миллий маданиятимизнинг нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини яна бир бор оламга намойиш этди. Ҳамманинг дилида битта ўй — Ватан! Ҳамманинг тилида битта сўз — Истиқлол!

Мамлакатимиз эстрада юлдузлари ижросидаги дастур айниқса дилларга завқ бағишлади. Шуниси қувончлики, замонавий эстрада санъатимиз миллий қадриятларимизга вобаста, қадимий оҳангларимиз йўлидан ривожланиб бормоқда. Ҳукуматимизнинг маданият ва санъатга, хусусан, миллий эстрада ривожига эътибори, соҳа вакилларига ғамхўрлиги юртни мадҳ этувчи гўзал асарлар пайдо бўлишига имкон яратмоқда. Байрам концерти дастурининг қарийб ярми шундай замонавий куй-қўшиқлар билан тўлдирилган. Охирги композицияни барча санъаткорлар жўр бўлиб куйлашганда эса саҳна ва амфитеатр бир вужудга айланиб кетгандек бўлди. Катта тантана ана шундай юқори парда, ажойиб оҳангларда якунига етди.

Байрам томошаси улкан мушакбозлик билан ниҳояланди.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.**
**М.АМИН, Д.ЮСУПОВ олган суратлар.**

«Пахта — 2001»

# Асакалик пахтакорлар мўъжизаси

**Асака тумани деҳқонлари ҳар йилгидек бу йил ҳам пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар. Озод юртнинг қадди расо, қадри баланд меҳнаткашлари Марказий Осиё пахтачилиги тарихида илк бор эртаки, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш билан бирга, уни куз бошланмай туриб йиғиштириб олиш мумкинлигини амалда исботладилар...**

Асакалик ҳар бир деҳқоннинг ўз ҳисоб-китоби бор. Шу боис у ишни пухта бажаради, бунда ҳатто таваккалчиликдан ҳам чўчимайди. Мана, бир мисол: 1999 йили вилоятда 5 июнда гўза гул кўрсатган эди. 2000 йилнинг 25 майида шона гулга айланди. Ва ниҳоят, бу йил 23 майдаёқ худди шу хўжаликнинг Авазбек Мўйдинов бошлиқ пудратчилар даласида гўза ёппасига гуллади. Кўриниб турибдики, иссиқсевар, бунинг устига, кун санайдиган экиннинг гуллаш жараёни икки-уч йил ичида 10-12 кун олдинга сурилди.

Асакаликлар таваккалига иш юритиб, мартнинг охирларида ҳамма майдонга сув тарадилар. Бу усул катта наф келтирди. Аввало, чигит текис ундириб олинди, қолаверса, иккинчи апрелда юз берган совуқ ёш ниҳолларни шикастлантира олмади.

Эришилган ютуқнинг яна бир омили уруғ танлаш билан боғлиқ. Бу йил янги «С-6524» нави деҳқонлар синовидан муваффақиятли ўтди.

— Еримизни ёқтириб қолди бу нав, — дейди «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Хурбек Турсунов. — Олтинчи августда теримга оммавий равишда киришдик. Икки ҳафтага боригбормай, режани бажардик. Биринчи теримдаёқ гектаридан 27,4 центнердан ҳосил олдик. Яна кам деганда 47 тонна пахта сотмоқчимиз. Ўшанда режа 150 фоиз этиб бажарилади.

Бобур номли ширкат хўжалиги деҳқонларининг эзгу мақсадлари эса ундан-да юқори. Улар режага қўшимча 60 фоиз пахта тайёрлашмоқчи. Бу — 3000 тонна ўрнига 4800 тонна пахта етиштирилади дегани. Шундай кўтаринки руҳ ва шижоат «Навбаҳор», Ғ.Ёқубов номли хўжалик деҳқонларига ҳам вобаста. Тупроқдан зар ундираётган, ҳайратомуз мўъжизалар яратаётган, тиниқ орзулар билан нафас олаётган, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — республикамиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйига арзигулик тўёналар билан етиб келган асакалик азамат деҳқонларга ҳар қанча тасаннолар айтсак, озлик қилади.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ТИКЛАНИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фармонга мувофиқ, ҳозир "Шаҳидлар хотираси" мажмуини янада ободонлаштириш, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини ташкил қилиш ҳамда махсус радиолаштириш тизимини жорий этиш борасидаги тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, қўплаб қатағон қурбонларининг номлари аниқланиб, уларга тааллуқли буюмлар, шунингдек, фаолиятига доир материаллар, қизиқарли ахборотлар, суратлар ва бошқа ҳужжатлар йиғилмоқда. Улар, табиийки, ноҳақ зулмга учраб, шаҳид кетган ота-боболаримизнинг ғожиали қисматини ёдга солиб туради. Шу билан бирга, қайсидир маънода, ёшларга истиқбод даври тарихидан сабоқ бериши баробарида, барчамиз учун энг улуғ неъмат — Мустақилликка ўз-ўзидан эришмаганимизни эслатиб туради.

Қатағон қурбонларини ёд этиш — фақат хотира маросими эмас. Бу жамиятда қарор топаётган юксак инсонпарварлик ифодасидир.

Соат 07.00. Хиёбонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Меҳмонлар хиёбонда ёзилган дастурхон атрофидан жой олди. Шаҳидлар ҳаққига Қуръон тиловат қилинди. Таомилга биноан ош тортилди.

Давлатимиз раҳбари хиёбондаги рамзий қабрга гул қўйди. Шундан сўнг бу ерда барпо этилажак "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг макети билан танишди. Музейнинг жойлашуви, ташқи қиёфаси, моҳияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, музей анҳор ёқасида жойлашмоғи, миллий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этмоғи мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

— Мажмуага зиёратга келган киши музейни ҳам зиёрат қилади, — деди Президент. — У ўзига хос маънавият ўчоғига айланиши керак.

Қулайлик учун музейга тўрт томондан эшик очиш мўлжалланмоқда. Ислом Каримов унинг гумбазини ичкарини қуёш нури билан ёритадиган усулда қуриш ҳақида фикр билдирди. Бу билан шаҳидлар руҳи Истиқлол қуёшининг нуридан баҳра олган бўлади.

— Чўлпон айтганидек, халқ денгиздир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ҳар қанча жабр-зулм етказиш мумкин, лекин халқнинг иродаси букилмайди. Бугунги тадбирнинг моҳияти шундаки, маънавиятга, аждодлар меросига эътибор қаратмасдан, фақат иқтисодиётни ривожлантириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Одамга биринчи навбатда нима муҳим — моддий озуқами ё маънавий? Албатта, озиқ-овқат инсон учун тириклик манбаи, лекин Яссавий бобомиз таъбири билан айтганда, одам боласи фақат қорин ғами билан яшаса, унинг инсонлиги қаёқда қолади.

Бу муқаддас қадамжода туриб, Яратгандан аждодлар меросини асраб-авайлашимизни, чуқур ўзлаштиришимизни, кимларнинг авлоди эканлигимизни теран англаб, доимо боболаримизга муносиб бўлиб юришимизни сўрайман. Ўз илдизларини билган халқ асло завол кўрмайди, келажаги порлоқ бўлади.

Бу ерга келганлар шифтига "Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир" сўзлари битилган гумбаз тагида ноҳақ зулм чеккан ватандошларимиз ҳаққига дуо қилар экан, шундай ёруғ кунларга етказгани, ҳақиқат ва тарихий адолат тиклангани учун Тангрига шукроналар айтди.

**(ЎзА).**

# САМАРҚАНДНИНГ ТАРОВАТЛИ ОҚШОМЛАРИ

**30 август оқшомида дунёнинг кўплаб мамлакатлари санъатсеварлари нигоҳи яна Самарқандга, байрам оғушидаги кўҳна Регистонга қаратилди. «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиши маросимини санъат ва маданиятга ташна диллар тўғридан-тўғри кузатишга муяссар бўлдилар. Регистон ансамбли саҳнаси эса шу оқшом 3,5 мингдан ортиқ меҳмонлар билан ўз бағрини тўлдирганди.**

Республика Бош вазирининг ўринбосари, «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали ташкилий қўмитаси раиси Ҳ.Кароматов фестивалнинг дунё халқлари ўртасида дўстликнинг кучайиши, маданият ва санъатнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётгани, унинг қатнашчилари, меҳмонлари сони тобора ошиб бораётганини алоҳида гапириб ўтди. Ҳайъат аъзоларига, нуфузли анжуман иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди. Фестиваль ҳайъати раиси Хан Мюнг Хи анжуман қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига йўллаган миннатдорчилик мактубини ўқиб эшитганда, томошагоҳ олқишлардан ларзага келди.

Мукофотларни топшириш маросими эса ниҳоятда ҳаяжонли кечди. Фестивалнинг биринчи даражали соврини озарбойжонлик Олим Касумов ва ўзбекистонлик мақом усталари Соҳибжон Ниёзов ҳамда Набижон Иброҳимов жуфтлиги лойиқ кўрилди.

Эътибор қилинг, биринчи бор ўтказилган фестивалда озарбойжонлик Симара Имонова бош соврин эгаси бўлган бўлса, кейинги анжуманда олий мукофот ҳамюртимиз Насиба Сатторовага насиб этганди. Учинчи бор ўтказилаётган халқаро анжуманда ҳам ана шу икки халқ санъаткорлари номлари биринчи бўлиб тилга олинди.

Нуфузли анжуманнинг иккинчи даражали мукофоти Ҳиндистон хоним ва Гуржистоннинг «Лашари» гуруҳига берилди.

Туркиялик санъаткор Нахиди Тўғуз ва Юнонистон халқ чолғу асбоблари музейи қошидаги мусиқа гуруҳи ҳам Шарқ мусиқа санъатининг ривожига муносиб улуш қўшаётганликларини намойиш этишди. Ҳайъат аъзолари уларни учинчи даражали мукофотга лойиқ кўрди.

ЮНЕСКОнинг «Анъанавий мусиқа санъатини сақлаш йўлидаги хизмати учун» мукофотига номзодларни танлаш қийин кечмади. ЮНЕСКО Бош қароргоҳининг вакили япониялик Айкава хоним бу борада маҳоратини юқори баҳолади. Ва уларга ана шу мукофотни топширди.

Ниҳоят, «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивалининг махсус соврини соҳиблари ҳам аниқ бўлди. Улар Миср Араб Республикаси вакиллари эди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида уюштирилган ғолибларнинг галаконцерти томошабинлар қарсаклари билан олқишланди. Тантана сўнгида узоқ давом этган мушакбозлик Самарқанд осмонидаги сон-саноқсиз юлдузларга янада нур бағишлади, дилларни шод айлаб, қалбларни ҳаяжонга тўлдирди.

Фестиваль байроғи туширилди. Халқаро ҳамжамиятда катта обрў ва нуфузга эга бўлган бу анжуман таассуротлари эса бир олам. У америкалик журналистнинг ҳам, япониялик санъаткорнинг ҳам, Буюк Британиядан ташриф буюрган меҳмоннинг ҳам қалбида бир умр сақланиб қолади.

Фестиваль қатнашчилари яна икки йилдан сўнг айнан шу қадимий ва латофатли шаҳарда Яна учрашишни, ният қилишиб дўстона хайрлашдилар.

### учинчи бор бу нуфузли анжуманга ҳамоҳанг бўлди

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг ўн йиллиги муносабати билан Сиз, Президент жанобларига ва бутун ўзбек халқига сидқидилдан қутловларимни йўллайман.

Ўтган ўн йил мобайнида халқларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Сиз Берлинда Ўзбекистоннинг янги элчихонасини тантанали очиш маросимида ҳозир бўлганингиз бизга бир-биримиз билан шахсан танишиш имконини берди. Германия бундан буён ҳам демократик ислоҳотлар йўлида Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлиб қолаверади.

Сизга ва оилангизга омонлик ва сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса эркинлик, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Йоҳаннес РАУ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти.**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига ғоят самимий қутловлар йўллашдан бахтиёрман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар мустаҳкамланганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, дўстона алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам бутун куч-ғайратимни сарфлашга интилажагим тўғрисида Сизни ишонтирмоқ учун ушбу имкониятдан фойдаланаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва саъй-ҳаракатларингизда улкан муваффақиятлар, шунингдек, буюк мамлакатингизга равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

**Ким Дэ ЖУНГ,**
**Корея Республикаси Президенти.**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари!

Ўзбекистоннинг миллий байрами муносабати билан шахсан Сизга ва бутун ўзбек халқига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар тилаб билдирган ғоят самимий истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Мустақилликнинг ўн йиллиги байрам қилиниши мазкур санага алоҳида тантанаворлик бағишлайди. Мана шу ўн йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасида ғоят яқин муносабатлар қарор топганидан жуда мамнунман. Бу ҳол ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларида ўз ифодасини топган ва катта муваффақиятларга омил бўлмоқда. Келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги шундай сермазмун ва ўзаро ишончга асосланган мулоқот яна ҳам мустаҳкамланишига тилакдошман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти.**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Миллий байрамингиз муносабати билан бутун Италия халқи ва шахсан ўз номимдан Мустақилликнинг ўн йиллик юбилейини нишонлашга ҳозирлик кўраётган ўзбек халқининг келгусида равнақ топишини истаб билдирган энг эзгу тилакларимни Сизга йўллашдан мамнунман.

Сизнинг Римга буюрган унутилмас ташрифингизни эслар эканман, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш учун янги-янги имкониятлар пайдо бўлади, деб ишонч билдираман.

Шахсан Сизга омонлик тилайман.

**Карло Адзельо ЧАМПИ,**
**Италия Республикаси Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001 йил намунасидаги қиймати 1000 сўм бўлган пул билетини муомалага чиқариш тўғрисида

2001 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001 йил намунасидаги қиймати 1000 сўм бўлган янги пул билети муомалага чиқарилади.

Билетнинг олд тарафи юқори қисмида «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ» деган матн бор.

Билетнинг чап қисмида нақшинкор элементлар фонида, Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Билетнинг чапдаги ва ўнгдаги қуйи бурчагида нақшинкор рамка ичида «1000» рақами тасвирланган бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради. Унинг юқори қисмида йирик харфлар билан «СЎМ» деб ёзилган.

Билетнинг қуйи қисмида «ЎЗБЕКИСТОН СЎМИ РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА ҲАММА ТЎЛОВЛАР УЧУН ЎЗ ҚИЙМАТИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ШАРТ» деган матн жойлаштирилган.

Пул билетининг орқа томони марказий қисмида Темурийлар музейи тасвирланган.

Билетнинг юқори чап томонида бир-бирини кесиб ўтувчи «1000» ва «СЎМ» ёзувлари мавжуд бўлиб, унинг устки қисмига банкнотнинг қийматини кўрсатувчи «Бир минг» сўзи ёзилган.

Билетнинг қуйи қисмида «ЎЗБЕКИСТОН СЎМИНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ ҚОНУНГА МУВОФИҚ ТАЪҚИБ ҚИЛИНАДИ» деган матн жойлашган.

Чиқарилаётган «1000» сўмлик пул билети муомалада юрган бошқа пул билетлари ва танга пуллар қаторида ҳамма тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

**Ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов ижод аҳлига, маданият намояндаларига мурожаат қилиб: "...Нуфузли мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтараётган ўнлаб ажойиб ўғил-қизларимиз, айтайлик, бокс бўйича, кураш, шу жумладан, ўзбек кураши, таэквондо, каратэ, шахмат ёки теннис бўйича салмоқли ютуқларга эришаётган спортчиларимизнинг ҳаёти ва фаолияти китобларга, фильмларга мавзу бўлишга арзимайдими? Нима учун биз уларни замонамиз қаҳрамонлари деб улуғламаймиз?" — деган эдилар. Хусусан, бокс бўйича Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг жаҳон рингларида кўрсатган жасорати йирик бадиий асарларга мавзу бўлиши мумкинлигини таъкидлагандилар.**

# «ЎЗБЕГИМНИНГ БАҲОДИРИ»

Президентимизнинг бу сўзлари бир гуруҳ ижодкорларни бокс борасидаги барча юксак унвонларни қўлга киритган — мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари, жаҳон кубоги ва Олимпиада ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳақида асар яратишга ундади.

Давлат матбуот қўмитаси раҳбарияти шундай ижодкорларнинг бир гуруҳини тўплаб, уларнинг эзгу ниятларини қўллаб-қувватлади ва Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётини бўлажак китобга масъул этиб тайинлади.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйи арафасида ижодкор ва ноширларнинг ҳамкорлиги самараси ўлароқ, Муҳаммадқодир Абдуллаев тўғрисидаги "Ўзбегимнинг баҳодири" ҳужжатли қиссаси нашрдан чиқди.

Ҳужжатли қисса Ўзбекистон спортининг унутилмас лаҳзалари — Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг Сидней олимпиадасидаги оламшумул ғалабаларини акс эттириш билан бошланади. Сўнгра Муҳаммадқодирнинг боксга кириб келишидан токи Олимп чўққисига кўтарилгунга қадар босиб ўтган машаққатли, лекин шарафли йўли бадиий лавҳаларда очиб берилади.

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган ушбу китобда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти тўғрисидаги ҳикматларга, асар қаҳрамонининг бокс бўйича ўзига хос услублари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига алоҳида ўрин берилган.

Назиржон Саидов, Асрор Мўминов, Усмонжон Шукуров, Ҳаётилло Исоқов ҳамда Тўлқин Сиддиқ қаламига мансуб рангли-безакли "Ўзбегимнинг баҳодири" китоби ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилган.

**(ЎзА).**

*Изҳор*

# Оллоҳ назар қилган замин

Мамлакатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида она Ўзбекистонимизни «Оллоҳ назар қилган замин» деб бир неча бор таърифлаб, тилга олдилар. Бу ғоятда улуғ, илоҳий таърифнинг теран ҳикматига оқсоч тарихнинг ўзи гувоҳдир.

Туронзамин — инсоният тамаддунининг пойдеворини қўйган ўлкалардан саналади. Бу ҳақиқат ҳатто ривоятларда ўз инъикосини топган. Шулардан бирида айтилишича, кўз илғамас қадим замонларда дунёда разолат авж олиб, одамзот маънавий-ахлоқий айнишлар ботқоғига ботгач, Тангри Таолонинг қаҳри кўзғаб, тирикликни сув остига ғарқ қилишга қарор қилибди. Фақат дунёда якка поқдомон зот Нуҳ алайҳиссалом ва унинг оила аъзоларини асраб қолиб, унга кема ясашни, кемага ўзи ва оила аъзоларидан ташқари ўсимлик, паррандаю дарранда ҳамда ҳайвонот зотидан уруғликка биттадан намуна, вакил олишни ва кемада сузиб бориб, у тўхтатган жойда бор нарсани ерга тушириб, ҳаётни қайтадан, соғлом асосларда бошлашни ваҳий этибди.

Нуҳ пайғамбар Тангрининг амрини бажаришга киришиб, сув босган Помир тоғлари этагидан кемада йўлга тушибди. Кема суза-суза Оролгача келибди ва қумликларга ботиб тўхтабди. Шу тарика, Туронзаминнинг қоқ ўртасида оиласи билан ерга тушибди. Ҳайвонот, парранда ва даррандаларни қўйиб юборибди. Ўсимлик уруғларини ерга сочибди. Унинг эшкаклари изидан Амударё ва Сирдарё каби сув йўллари очилибди. Хуллас, Туронзаминда инсоният ва умуман, тириклик қайта ҳаётини бошлабди.

Бу ривоят Ватанимизнинг башарият тараққиётига асос, пойдевор бўлганлиги ҳақида. Дарҳақиқат, Туронзамин, бу — инсоният яратиб, дастлаб қўлига олган китоблардан бири — «Авесто» ватани. Туронзамин — Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм каби инсоният кўз очиб кўрган илк ривожланган давлатлар диёри. Туронзамин, бу — Самарқанд, Бухоро, Хива каби одамзотнинг она шаҳарлари ва улардаги ҳайратомуз ёдгорликлардир. Туронзамин — инсоният илмининг дастлабки мактабларидан бири — Маъмун академияси, бирибиридан паҳлавон, алп алломаларни оламга берган макон. У — инсониятнинг ҳам онаси, ҳам отаси. Юқоридаги ривоят шу мужданинг кўзгусидир.

Бахтини, толеини урушлар, бировлар юртига кўз олайтиришлар, босқинчиликлардан эмас, балки ҳунардан, меҳнатдан, ақл-заковатдан, ижоддан топган, ўз ерини сайёрамизнинг мўъжизасига айлантирган аҳли Туронзамин Тангрининг сийловига абадий мушарраф бир халқдир.

Буни мустақилликнинг 10 йиллик дастлабки қисқа даврида қайтадан буюк уйғонишларга чоғланган Ўзбекистон жаҳонга исботлаб турибди. Яна Туронзамин дунёга таниқли бир давлатга айланди. Яна бу ерда иқтисодиёт, маънавият, маърифат, ижодиёт гуркираб ривожланаяпти. Атиги 10 йил ичида биз эришган ютуқлар, дарҳақиқат, асрларга татигуликдир. Яна 10 йиллардан кейин, омон бўлсак, ўзимиз, ҳар биримиз Ўзбекистоннинг чиндан ҳам буюк ва ёрқин парвозларига гувоҳ бўлгаймиз, иншоолloҳ. Ҳар биримиз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида бор салоҳиятимизни, имкониятларимизни, куч-ғайратимизни ана шу улуғ мақсадларга борича бағишлайлик. Ахир Тангри ҳам темтинганни, уринганни, яхши саъй-ҳаракат ва қадамларни сийлайди-ку! Бугунги табаррук кунда Яраттандан сўровим шу: ҳамиша унинг назарида бўлиб қол, она Туронзамин!

**Тўлепберган ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.**

# БИЗ 10 ЙИЛ ИЧИДА НИМАЛАРГА ЭРИШДИК?

**Бир гуруҳ юртдошларимизга ана шу савол билан мурожаат қилдик. Ватанимизнинг энг улуғ байрамини зўр кайфият билан кутиб олган замондошларимиз дил изҳорларини қуйидагича ифодалашди.**

***Дилором НАРЗУЛЛАЕВА, Бухоро вилоятидаги "Тадбиркор онла" уюшмаси раиси:***

*— Мен — тадбиркорман. Тўғрироғи, бутун оиламиз биргаликда ишлаймиз. Ҳозир мамлакатимизда шундай оилалар кўплиги ҳеч кимга сир эмас. Кичик-кичик ирмоқлар ўз ҳолича катта куч бўла олмаслиги ҳам азалдан маълум. Уюшма тузиш ташаббуси туғилганда ана шу ҳақиқатга асосландик. Ва ўйлайманки, янглишмадик. Жамоат ташкилотимизга аъзо бўлиб кирган оилавий тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги кундан-кун ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида ишимизнинг самарасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айтинг-чи, хусусий мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, ҳар бир фуқаро бировга қарам бўлмасдан ўз нонини ўзи топаётгани мустақиллик шарофати эмасми!?.*

***Эбодулла РАҲМОНОВ, Навоий вилояти жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси:***

*— Муҳаммадқодир ё Руслани, Рустам ёхуд Дилшодни олинг. Дунёнинг қайси бурчагида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилмади дейсиз улар. Хўш, қандай қилиб? Мустақиллик спортчиларимизга халқаро майдонда куч синашиш имконини яратди. Бизнинг Ватанимизда аввал ҳам билаги зўрлар кўп эди. Лекин... Мана, ўзимдан мисол. Ёшлигимдан курашга қизиқдим. Эркин кураш бўйича мусобақаларда ғолиб чиқдим. Бироқ бирон марта терма жамоага, яъни "марказ"га таклиф қилишган эмас. Армонга айланган орзуларимнинг шогирдларим — бугунги курашчилар тимсолида рўёбга чиқаётгани ҳам фақатгина мустақиллик туфайлидир.*

***Дилфуза МАТБОБОЕВА, Избоскан туманидаги Тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчиси:***

*— Эртага 7-синфга ўқишга бораман. Ичимга сиғмаётган қувонч шуки, мени — Ўзбекистон фарзандини Японияда яхши танишади. "Маҳаллада тўй" деб номланган суратим шу юртда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Буёғини сўрасангиз, Хиросима шаҳар мэридан миннатдорчилик мактуби олдим. Шуларни ўйлаб, биз ёшларга берилаётган эътиборни кўриб суюниб, Ватанимдан фахрланиб кетаман...*

**«Халқ сўзи» мухбири Озод БЕК ёзиб олди.**

*Мустақиллик иншоотлари*

# Жиззахда «ЛРС-Пласт» қўшма корхонаси

Вилоят марказида Германиянинг машҳур «ЛРС» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур корхонага 2,1 миллион АҚШ доллари ҳамда 62 миллион сўм сарф этилди. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона йилига халқ хўжалиги учун зарур 3800 тонна турли диаметрли пластмасса қувурлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Агар маҳсулот ишлаб чиқариладиган хомашёнинг солиштирма оғирлиги сувникидан енгил эканлигига эътибор берсангиз, бу жуда кўпдир.

Жамоа тадбиркорлари ана шундай имкониятларни ҳисобга олиб, ҳозиргача Тошкент, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари билан 25 миллиметрдан 250 миллиметргача бўлган қувурларни етказиб бериш ҳақида шартномалар тузиб қўйишганди. Буни қарангки, корхонанинг расмий очилиши кунига қадар саноатчилар 400 тонна хомашёни қайта ишлашиб, 120 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни жўнатишга тайёрлаб қўйишди.

Дарвоқе, завод учун асосий хомашё — полиэтилен таъминотида ҳеч кимга қарам эмаслигимиз унинг имкониятларини янада кенгайтиради.

— Худди шунинг учун ҳам қўшма корхонамизни Жиззахда ташкил этишга қарор қилган эдик, — дейди «ЛРС» фирмасининг Ҳамдўстлик мамлакатларидаги вакили Виктор Риффал биз билан суҳбатда. — Қолаверса, шаҳар ҳокимлиги корхона учун катта бино топиб, уни қисқа фурсатда қайта таъмирлаш, заводнинг саноқли ойларда ишга тушишига кафолат берди

Бугунги кунда жаҳон талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган жамоага қўшни республикалардан ҳам, айрим хорижий мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушаяпти, ўзаро шартномалар тузиш мўлжалланаяпти.

Яқин орада жиззахлик саноатчилар германиялик ҳамкорлари билан иссиқ сувга чидамли қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Бу эса шаҳар хўжалиги учун жудаям зарур.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»
давлат акциядорлик компанияси
*Барча юртдошларимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан*
самимий муборакбод этади ва ушбу санага бағишлаб ўтказилган «ПОЧТА МАРКАСИ» танлови ғолибларини эълон қилади:
Собирова Мавлуда Исроиловна - 700000, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли мавзеси, 4-уй, 9-хонадон (биринчи совриндор);
Канцур Рита Николаевна - 700016, Тошкент ш., Тўрткўл кўчаси, 32-уй (иккинчи совриндор);
Искандаров Ортиқ - Урганч шаҳри, А.Баҳодирхон кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй (учинчи совриндор).
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй. Телефонлар: 133-91-50, 136-01-89.
4739

Ўзбекистон халқини улуғ айём - Мустақилликнинг 10 йиллик тўйи билан қутлаб, шодиёналарни бирга баҳам кўраётганимиздан мамнунлигимизни изҳор этамиз!
aysel
Айсель Иншаат Таахҳют ве Тижерет А.Ш.

Сизга шеър айтгим келди

# Соҳиби давронсан...

*Шеърим, мен етмаган ҳар дилга етгил,*
*Элим, мен етмаган манзилга етгил.*
*Ҳурлигинг абадий, бошинг тик бўлсин,*
*Душманинг бахтингни кўролмай сўлсин.*
*Соҳиби давронсан энди, ўзбегим,*
*Бекдурсан, султонсан энди, ўзбегим!*

*Юртим — Ўзбекистон тупроғинг олтин,*
*Номингни билмасди бу жаҳон олдин,*
*Дину маърифатли буюк ўзбегим,*
*Уч минг йил тарихли суюк ўзбегим.*
*Қадимлардан бутун иймоним менинг,*
*Ҳур бўлдинг, ушалди армоним менинг!*

*Боболарим суриб ғаним узра от,*
*Муқаддас юртини этганди обод,*
*Улардан қолишмай бугунги авлод,*
*Ватанин қулликдан айлади озод.*
*Дўст учун аямай парча нонини,*
*Ўзбек Ватан учун берар жонини!*

*Халқим саодатли йўлларинг қутлуғ,*
*Ҳокдан зар ундирган қўлларинг қутлуғ!*
*Ўндан бир гул асринг муборак бўлсин,*
*Мустақиллик қасринг муборак бўлсин!*
*Бошимдаги тожу савлатим, бор бўл,*
*Келажаги буюк давлатим, бор бўл!*

*Кимлар бу оламга келиб кетмади,*
*Кимлар бу кунларга етиб етмади.*
*Жойнамоз устида йиғлаётган чол,*
*Оллоҳдан сўрагай қадди бўлиб дол:*
*«Минг шукр, юртимни айладинг озод,*
*Энди мангу этгил фаровон, обод!»*

* * *

*Кўп эди ушбу жаҳонда орзу армоним менинг,*
*Етди даврими сурай, дўстларки давроним менинг.*

*Бўлди юртим мустақил, кўп миллату халқлар аҳил,*
*Истагим, тинч бўлсин энди еру осмоним менинг.*

*Тан олиб аҳли жаҳон, ўзбекни қутлар шодумон,*
*Юксалар Темур бобомдек шуҳрату шоним менинг.*

*Мен Навоийнинг тилида меҳр изҳор айладим,*
*Ҳур Ватанни севдирувчи дину иймоним менинг!*

*Бир ҳилол, ўн икки юлдуз байроғингда ҳилпирар,*
*Қайга борсам, бошим узра Ўзбекистоним менинг!*

Олимжон БЎРИЕВ.

Мустақиллик — саодатим

# «Бахт-иқболдан қуйлар бугун дўмбирам»

Заминни одамзот қўшиқларга, куйларга йўғаклаб яшамоғи керак. Қўшиқ янграб, куй жаранглаб турибдими, орзулар яшнайди.

Мустақиллик тўрт қарич қоқ ёғочдан йўнилган дўмбирамни жаранглатиб юборди. Дўмбирамни чертиб мен Алпомишнинг изидан эргашдим. Дўмбира чертиб Алпомишни топдим. Мен отамга — Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди бобога эргашиб чертган куйларимни эшитибми, Алпомиш Мунчоққа (мен туғилган қишлоқ номи) қайтиб келди. Иккаламиз ошно кирдик (ошно бўлдик). Бу ошночиликни кўрганлар бизга ҳавас қилдилар. Қувондилар.

Ҳа, ҳа, ошночилик — минг йилчилик бўлади. Мен бундан минг йил аввал ўтган аждодларим билан дўст-оғайни тутунолмасам, борди-келди қилмасам, улар айтиб ўтган қўшиқларни тилга олмай қўйсам, улар кўнглида туйган армонларга бепарво қарасам, авлод бўлиб қаёққа бораман.

Мустақиллик аждодларимни менга етказди. Мустақиллик мени авлодларимга етказмоқда. Шу занжир маҳкам, мустаҳкам бўлсин, илойим.

Рўзи БОЛТАЕВ,
ёш бахши.
Бойсун тумани.


«ЗАМИН» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ

ушбу шукуҳли дамларда ўз акциядорлари ва мижозларини, бутун Ўзбекистон халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

«Замин» банк — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

4745



Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

«Асака» банки

Тошкент шаҳар бўлими

Мустақиллик байрамининг 10 йиллиги шарафига

15 августдан жамғармаларнинг янги

"ТАБАССУМ"

номли турини жорий этди.

Омонатнинг энг кам миқдори 250 000 сўм

Омонатни сақлаш муддати — 45 кун

45 кун учун 6% маблағ қўшилади

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
700015, Тошкент ш., А.Қаҳҳор кўчаси, 73.
2,- 12,- 80-автобусларнинг «А.Қаҳҳор» бекати.
Тел.: 120-83-14, 120-83-32. Иш вақти: 8.00 дан 15.30 гача.
Тушлик: 12.00 дан 13.00 гача.
Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

4652


Эшитмадим демангиз!..

Хабарингиз бор, жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг иккинчи босқичида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси шу йил 8 сентябр куни «Пахтакор» марказий стадионида Оман футболчиларини қабул қилишади.

## Ишқибоз бўлсангиз, стадионда кутамиз!

Ушбу ўйин пайтида жамоамизни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан мухлислар гуруҳи ташкил этилмоқда. Мазкур гуруҳга аъзо бўлган ишқибозларга алоҳида секторда жой ажратилиб, чипталар бепул тарқатилади.

Мухлислар гуруҳига ёзилиш учун ҳар куни соат 10.00 дан 15.00 га қадар Навоий кўчаси 11-уйда жойлашган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбек футболининг ҳақиқий ишқибози бўлсангиз, Сизни стадионда кутамиз.

Маълумот учун телефонлар: 41-80-10, 41-80-14.


"O'ZBEGIM DASTURLARI" ва "O'QITUVCHI" нашриёти

жамоалари Ўзбекистон Республикаси халқини Мустақилликнинг 10 йиллиги билан муборакбод этиб, байрам туҳфаси сифатида

«O'ZBEGIM DASTURLARI» ATAMA VA IBORALAR LUG'ATLARI электрон дастурини тақдим этадилар.

«O'zbegim Dasturlari lug'atlari» — банк, ташқи иқтисод, ҳуқуқ, иш юритиш йўналишлари бўйича махсус атама ва иборалар луғатларини мужассамлаштирган электрон дастур, унда русча-ўзбекча-ўзбекча (лотин), ўзбекча-русча каби 9 та таржима йўналишлари мавжуд.

«O'zbegim Dasturlari lug'atlari» Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги, "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунларга асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 мартдаги 104-сонли қарори билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида тайёрланган.

«O'zbegim Dasturlari lug'atlari» вазирликлар ва идоралар, ташкилотлар ва корхоналар, молия муассасалари ва бошқаларга иш юритишни давлат тилига ўтказилиши муаммоларини ечиш воситаси сифатида чиқарилди. Бундан ташқари, ўзбек тилини ўрганишда рус тилида сўзлашувчи чет эл фуқароларига, элчихона, консуллик ва ваколатхона ходимларига қонун ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш учун яратилди.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан ТАВСИЯ ЭТИЛГАН.

Минимал тизимли талаблар: IBM 486, Windows 95, 8 Mb RAM.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 1-уй, 87-хона.
Телефон: (998 712) 34-94-92.

4774



TEXACO

«Ўз-Тексако»
қўшма корхонаси жамоаси Ўзбекистон халқини
Республика Мустақиллигининг 10 йиллиги
билан муборакбод этади.

Чин дилдан соғлиқ, оилавий тотувлик, омад ва Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги барча орзу ва режаларингиз амалга ошишини тилайди.

4742



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари

ДИҚҚАТИГА!

«Даварҳитектқурилиш» қўмитасига қарашли пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш хўжалик ҳисобидаги республика бошқармасининг

АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

БУЮРТМАГА АСОСАН АНДИЖОН ВИЛОЯТИ «ЖАҲОН БОЗОРИ» ҲУДУДИДА ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН «АНДИЖОН УЛГУРЖИ БОЗОРИ» ҚУРИЛИШИГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Буюртмачи: Андижон вилоят «Улгуржи бозор» акциядорлик жамияти бошқаруви.

Пудратчи ташкилотлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларига, ишончлиликка, тажриба ва нуфузга, зарур одамлар ресурсларига эга бўлиши, шунингдек, шартнома (контракт) тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари керак.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш Андижон вилоят филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 214-уй.

Телефон/факс: 25-55-23

(Мўлжал: «Андижонхўжаролойиҳа» институти биноси, 1-қават).

Бир тўплам тендер ҳужжатлари нархи 15000 сўм.

Таклиф (оферта)лар савдо ташкилотчиси томонидан 2001 йил 25 сентябр соат 17.00гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Савдолар матбуотда эълон чоп этилган кундан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

4746



«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2815, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[i] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 1 2 3 4 5 6